

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Миноваров Ш.Ш. Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларни ижтимоий ва ижодий фаолликка ундашда миллий-диний анъаналарнинг аҳамияти. Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 1999 йил 20 ноябрь.
2. Худоярова А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020.
4. <https://uzbektourism.uz/en/newnews/viewid=801>
5. Бабкин А.В. Специальные виды туризма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с.
6. Худоярова А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: «COMPLEX PRINT» нашриёти, 2021.
7. Байлагасов Л.В., Гоппа М.И. О классификации паломнического туризма. // Международный научный журнал «Символ науки». 2016, № 10. С. 192-194.
8. Винокуров М.А. Что такое туризм? // Известия Иркутской государственной экономической академии. 2004. № 3. С. 19-24.
9. Мазин К.А. Паломничество и религиозный туризм: сравнение сквозь призму тысячелетий. // Современные проблемы сервиса и туризма. 2009. № 4. С. 8-24.
10. Алимова М.Т. Худудий туризм бозоринг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Диссертация илмий иши. – Самарқанд, 2017.
11. Эштоев А.А. Глобаллашу шароитида туризм саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Диссертация. – Самарқанд, 2019.
12. Норчаев А.Н., Умирова Д.С. Туризмда транспорт хизматлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.
13. Сайфутдинов Ш.С., Нурфайзуева М.З. Туроператорлик фаолияти. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2019.
14. Қозоғистон Президенти Ўзбекистонга қандай тақлиф билан чиққани маълум бўлди. <https://kun.uz/news/2019/04/16/>
15. Зиёрат туризми Ўзбекистон учун даромадлими? <https://azon.uz/content/views/ziyarat-turizmi-uzbekiston-uchun-daromad>. 30.04.2019.
16. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли фармонида илова.
17. Тухлиев Н., Жиянов Ў. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари. Дарслик. – Т.: «Илм-Зиyo-Zakovat» нашриёти, 2021. – 234 б.



ХУДУДИЙ ТУРИЗМНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a72](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a72)

Умирова Дилноза Сафаровна -
Туризм ва сервис кафедраси доценти, PhD
Адилова Зулфия Джавдатовна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, и.ф.д.

Аннотация. Мақолада республикада худудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада худудий туризмни инновацион ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, хусусан, инновацион ёндашув асосида Қашқадарё вилоятида худудий туризмни самарали ривожлантириш, худудий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича стратегик истиқболлар прогноз қилинган.

Калит сўзлар: худудий туризм, инновацион ёндашув, Қашқадарё вилояти, янги технологиялар, прогноз, туризм фаолияти, туризм инфратузилмаси, туризм салоҳияти

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНАЛЬНОГО ТУРИЗМА

Умирова Дилноза Сафаровна
Ташкентский государственный экономический университет
Доцент кафедры туризма и сервиса, PhD
Адылова Зулфия Джавдатовна –
д.э.н., профессор кафедры "Управление
человеческими ресурсами" ТГЭУ

Аннотация. В статье уделено особое внимание всем аспектам, служащим повышению потенциала регионального туризма в нашей республике и его реализации. В данной статье прогнозируются концептуальные направления инновационного развития регионального туризма, в частности, стратегические перспективы эффективного развития регионального туризма в Кашкардинской области, повышения социально-экономической эффективности развития регионального туризма на основе инновационного подхода.

Ключевые слова: региональный туризм, инновационный подход, Кашкардинская область, новые технологии, прогноз, туристская деятельность, туристская инфраструктура, туристский потенциал.

INNOVATIVE FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF REGIONAL TOURISM IN UZBEKISTAN

Umirova Dilnoza Safarovna -*Associate Professor, PhD. Tashkent State University of Economics***Adilova Zulfiya Dzhavdatovna -***Professor of the Department of Human Resources Management of the Tashkent State University of Economics, Doctor of science*

Abstract. In the article, great attention is paid to all the aspects that serve to increase the potential of regional tourism in our republic and its implementation. In the article, the conceptual directions of innovative development of regional tourism, in particular, the strategic prospects of effective development of regional tourism of Kashkadarya region, increase of socio-economic efficiency of regional tourism development based on innovative approach are forecasted.

Key words: regional tourism, innovative approach, Kashkadarya region, new technologies, forecast, tourist activity, tourist infrastructure, tourist potential

Кириш. Жаҳонда ҳудудий туризм фаолиятини ташкиллаштиришда технологик инновацияларни татбиқ этиш, сиёсий хайрихоҳлик даражаси, мутахассислар салоҳияти, тегишли инфратузилмани шакллантириш ҳамда турли хизматларни сифатли йўлга қўйиш, минтақавий туризмнинг эко-самарадорлигининг фазовий фарқланиши ва ҳаракатлантирувчи кучлари бўйича тадқиқотлар, туризмни қонуний асосда ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, ҳудуднинг туризм салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уни инновацион ёндашув хусусан соҳа фаолиятида имкон қадар рақамлаштириган технологияларни жорий этиш асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мақолада республикада ҳудудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳудудий туризм замонавий тармоқ сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда ҳанузгача туризм қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Айнан шу жараёнга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида: «туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш» [1] жараёнларига катта эътибор берилган. Шундан келиб

чиққан ҳолда, туризм соҳасини юртимизнинг барча ҳудудлари қаторида Қашқадарё вилоятида ҳам ривожлантириш, унинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, инфратузилмалар тизимини ривожлантириш, хизматлар сифатининг доимий назоратини йўлга қўйиш, технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этишга катта аҳамият қаратилиши зарур бўлади. Мазкур вазибаларни муваффақиятли ҳал этишнинг ягона ечими, ҳудудий туризм бозорини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш жараёнларига эътиборни қаратиб, махсус тадқиқотлар олиб боришдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикада ҳудудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳудудий туризм замонавий тармоқ сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда ҳанузгача туризм қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Шу боис мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар ҳамда адабиётлар таҳлилининг амалга ошириш зарурати пайдо бўлди.

Хорижий давлатларда туризм соҳасини инновацион ривожлантириш ва умуман туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган дунёнинг етакчи олимлари П.Келлер, Г.Кроуч, Ж.Риччи, Н.Морган, Н.И.Кабушкин, И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, А.С.Кусков, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева, Ю.С.Путрик, М.Б.Биржаков, Е.Зализняк ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган [2].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Х.Абдурахмонов, А.М.Абдувоҳидов, О.Х.Хамидов, Б.Н.Наврўз-Зода, Б.В.Голышева, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, Д.И.Абидова, З.И.Усманова ва бошқаларнинг илмий изланиш ва асарларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари ҳамда ҳудудий хусусиятларига оид муҳим масалалар тадқиқ этилган [3].

Мавзу доирасида хорижий ва маҳаллий олим ҳамда мутахассисларнинг фикрлари ва ёндашувларини муҳим бўлиб, улардан Н.И.Кабушкин “туристик ҳудуд” сифатида: “туристик сегмент ёки меҳмон саёҳат мақсади сифатида танлайдиган географик ҳудуд” тушунилиши лозимлигини айтиб ўтган [4].

Е.Зализняк эса “Худудий туризм маълум бир ҳудуддаги туристик эҳтиёжларнинг қондирилиши ва унинг ривожланиши учун зарур бўлган бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган функцияларни бажариш учун ташкил қилинган мураккаб тизимдир”, деб таъриф берган. [5]

Маҳаллий олимларимиздан Н.С.Ибрагимов фикрича туризмни барқарор ривожлантириш - туристик ҳудудларнинг иктисодий жихатдан барқарор усиб, ижтимоий ва экологик мувозанатни саклаган ҳолда, мос ишлаб чиқариш моделлари ва истеъмол маданиятини шакллантириш механизмларини жорий қилишдир [6].

Бунда худудий туризм доирасида туризм бозоридаги муносабатлар мажмуи бўйича И.Т.Балабановнинг фикрича, “Туризм бозори туристик маҳсулот истеъмолчилари ва сотувчилари ўртасидаги иктисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат”. [7]

Минтақавий туризм бозорининг асосий объектларидан бири – туристик хизматлар бўлиб, И.В.Зорин ва В.А.Квартальновлар туристик хизматларга қуйидагича таъриф берадилар: Туристик хизматлар – бу туристик эҳтиёжларни қондирувчи асосий, қўшимча ва комплекс хизматлар мажмуидир. Улар асосий хизматларга сайёҳликни ташкил қилиш ва ўтказиш учун зарур хизматлар, қўшимча хизматларга саёҳат ўзичига олмаган ва эҳтиёж бўлган ҳолда дам олиш жойида тақдим қилинадиган хизматлар, комплекс хизматларга чиптада қафолатланган туристик хизматлар мажмуини киритганлар. [8]

Шу билан бирга, Б.Наврўз-Зоданинг фикрича туризмда рақобатнинг ўзига хос бош хусусияти ва унинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалигидан кескин фарқи шундан иборатки, рақобат бир вақтнинг ўзида бир нечта ўзаро боғланган даражаларда, жумладан макро-, мезо-, микро- ва монодаражаларда кўриб чиқилиши ва таҳлил этилишини тақозо этади. Ушбу даражаларда рақобатлашув афзалликларни таъминлай олган тақдирдагина туристик тизимда рақобатбардошликнинг синергетик самараси намоён бўлиб, туристик индустриянинг янгича тизимли хусусиятлари шаклланади. [9].

Шунингдек, Д.Асланова ва М.Алимова илмий қарашлари бўйича “Ўзбекистонда худудларнинг туристик рақобатбардошлигини оширишга қаратилган янгича назарий ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж дунё тажрибасини ўрганиб чиқишни талаб этмоқда. Ушбу

муаммога оид илмий ишларда худудий рақобатбардошликни ошириш бўйича турли хил назарий қарашлар мавжуд. Бу борада тўпланган назарий ва амалий тажрибаларни таҳлил қиладиган бўлсак, инновацион ёндашувларга асосланган худудий кластерлар худуд рақобатбардошлигини оширишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади [10].

Шу билан бирга, худудий туризмнинг ривожланишини белгилайдиган жиҳатлар, инновацион технологиялар хусусан рақамлаштириш тизмини жорий этиш асосида такомиллаштиришга доир кўпгина масалалар тўлиқ ўрганилмасдан қолмоқда. Бу ҳолат, Ўзбекистоннинг турли худудларида, инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари охириги йилларда соҳани такомиллаштиришга бағишланган бир қанча меърий ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига эътибор берадиган бўлсак, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сон «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мазкур мақола учун муайян даражада услубий таъминот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мавзу доирасида тизимли ёндашув, «кабинет» ва «дала» тадқиқотлари, ретроспектив таҳлил, сабаб-оқибат таҳлил усуллари, статистик куза-

тиш ва гуруҳлаш, SWOT-таҳлил, эксперт баҳолаш, фокус гуруҳлаш, қиёсий устунлик, танланма кузатиш, корреляцион-регрессион таҳлил ва прогнозлаш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мақолада ҳудудий туризмни инновацион ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, инновацион ёндашув асосида ҳудудий туризмни самарали ривожлантириш, ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегик истиқболлари прогноз қилинган.

Таҳлиллар асосан мамлакатимизнинг Қашқадарё вилояти мисолида амалга оширилган бўлиб вилоятдаги қадимий қишлоқлар негизида шаклланган ўзбек халқининг бой тарихи, буюк аждодларимизнинг моддий-маънавий мероси, тарихий хотирамизни жонлантириб, янги авлод учун ибрат манбаига айланмоқда.

Таҳлил доирасида индексли ёндашувдан фойдаланиб ҳудудий туризмнинг самарали ривожланишини баҳолаш амалга оширилди. Бугунги кунда инновацион ривожланиш ҳолатини баҳоловчи тузилмаларнинг кўрсаткичлари таркибида фақат иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзига таяниб қолмаслиги билан жамиятнинг ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари олдинги ўринларга чиқиши асосланди. Чунки, ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти натижасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва ушбу кўрсаткичлар орқали унинг умумий ривожланиш ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади. Шунга асосан ҳудуднинг иқтисодий индекс кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда инновацион жараёнлар орқали ҳудуднинг туристик соҳа ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар рўйхатига қуйидагилар киради:

- транспортнинг қулайлиги;
- туристик инфратузилма ҳолати;
- экологик қулайлик;

- туристик фаолият объектнинг мавжудлиги;

- озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи.

Кўрсаткичларни танлашда асосий ўринни иқтисодий вазифаларни ечишда қабул қилинадиган ва уларнинг ҳар бирининг нисбий аҳамиятини аниқлаш лозим бўлади. Бироқ, танлаб олинган омилларнинг турли таъсири натижасида етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис, баҳолашда турли кўрсаткичлар ёки аҳамиятлилик даражаси бўйича коэффицентлардан фойдаланиш зарурати туғилади. Ана шу мақсадда ҳар бир блокдаги кўрсаткичлар учун мос равишда аҳамиятлилик коэффицентидан фойдаланилади. Аҳамиятлилик коэффиценти таққослаб баҳоланадиган ҳудуддаги танлаб олинган кўрсаткичнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб, эксперт сўров усули билан аниқланди.

Эксперт сифатида Туризм ва спорт вазирлиги Қашқадарё вилояти бошқарув ходимлари ва вилоят ҳокимиятининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича бўлинма мутахассислари қатнашдилар. Эксперт баҳолаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ҳудудга хос аҳамиятлилик коэффиценти формуласини ҳисобга олиб, ҳудуднинг туристик соҳа ҳолати салоҳиятини баҳолаш (O) интеграл кўрсаткичини аниқлаш қуйидаги йўл орқали амалга оширилди:

$$O = T + \sum_{n=1}^n I_n + E + TO + TT, \quad (1)$$

Қайд қилинган формула (1) асосида ҳар бир кўрсаткич учун ҳисоб-китобларни амалга оширилади. Аммо, транспорт қулайлик ҳолати (T) асосида иккита кўрсаткич бўйича вилоят туманларига тавсиф берилади:

- вилоят марказидан яқин-узоқлиги;
- халқаро умумфойдаланиладиган автомобиль йўллариининг узунлиги.

1-жадвал

Ҳудудда таққослаш кўрсаткичларнинг зарурлик коэффицентини баҳолаш вариантлари [11]

Экспертлар рақами	Кўрсаткичлар					Сумма O=1
	Транспортнинг қулайлиги	Туристик инфратузилма ҳолати	Экологик қулайлик	Туристик фаолият объектнинг мавжудлиги	Озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи	
	T	I	E	TO	TT	
1	0,15	0,15	0,05	0,55	0,1	1
2	0,05	0,35	0,05	0,5	0,05	1
3	0,05	0,2	0,05	0,55	0,15	1
4	0,2	0,3	0,05	0,4	0,05	1
5	0,05	0,25	0,05	0,5	0,15	1
6	0,05	0,35	0,05	0,5	0,05	1
7	0,05	0,1	0,1	0,6	0,15	1
8	0,1	0,3	0,15	0,4	0,05	1
9	0,1	0,2	0,15	0,5	0,05	1
10	0,1	0,1	0,1	0,6	0,1	1
Ўртача қиймати	0,09	0,23	0,08	0,51	0,09	1

Баҳолаш натижаларига асосан, ҳудудда халқаро аҳамиятдаги умумфойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги туристларнинг туристик объектларни бориб кўра олиш имконияти бўлган кўрсаткич билан ифодаланади. Қашқадарё ҳудудида инновацион фаолият амалиётга янги ва такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, экологик меъёрларга жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш, уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни тақозо этиши кўрсатилди.

ришни жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, экологик меъёрларга жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш, уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни тақозо этиши кўрсатилди.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятининг туристик инновацион салоҳият даражаси бўйича гуруҳланиши [12]

Туман (шаҳар)лар	Инновацион салоҳиятининг якуний баҳо кўрсаткичи
1-гуруҳ – юқори салоҳиятга эга ҳудуд	
Қарши ш.	0,921
Шаҳрисабз ш.	0,882
Яккабоғ т.	0,781
Китоб т.	0,767
Қамаши т.	0,688
2-гуруҳ – ўрта салоҳиятга эга ҳудуд	
Шаҳрисабз т.	0,686
Қарши т.	0,684
Ғузор т.	0,546
Деҳқонобод т.	0,544
Чирокчи т.	0,541
3-гуруҳ – қуйи салоҳиятга эга ҳудуд	
Муборак т.	0,424
Косон т.	0,388
Касби т.	0,386
Нишон т.	0,384
Миришкор т.	0,366

Жадвалга асосан, Қашқадарё ҳудудида инновацион фаолият амалиётга янги ва такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш, экологик меъёрларга жавоб берадиган ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар яратиш, уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни тақозо этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, индексли ёндашув асосида ҳудудий туризмнинг самарали ривожланиши, яъни 3 - юқори даражада имконият, 2 - ўрта даражада имконият, 1 - паст даражада имконият, 0 – умуман имконият йўқ, деб баҳоланди. Шу асосда вилоятнинг туман ва шаҳарлардаги баъзи тарихий жойлар ва табиий ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилмаса, туристик жозибадорлиги йўқолиши кўрсатилди. Ушбу ўзгаришларнинг умумий йўналишларини

ҳамда амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи туризмни ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши соҳанинг жаҳонда кечаётган замонавий тараққиёт йўналишлари асосида ривожланишини таъминлайди.

Ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш стратегик истиқболлари аниқланди. Қашқадарё вилояти иқтисодиёт субъектларининг салоҳиятини юксалтириш учун улар фаолиятига инновацион ишланмаларни дадил татбиқ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишнинг стратегик мақсадларига монанд шароитларни яратиш лозимлиги асосланди.

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми бўйича кўп омилли эконометрик моделнинг аналитик кўриниши қуйидагича:

$$\ln \hat{Y} = -4,4581 + 1,0525 \ln X_1 + 1,5996 \ln X_2 + 0,4896 \ln X_3, \quad (2)$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, вилоятда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони ($\ln X_1$) ўртача бир фоизга ортса, вилоятда ишлаб чиқарилган

инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ($\ln Y$) ўртача 1,0525 фоизга ортган. Вилоятда инновацияларга ажратилган харажатлар ($\ln X_2$) ўртача бир фоизга ортса, вилоятда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар,

хизматлар ҳажми ($\ln Y$) ўртача 1,5996 фоизга ортган. Вилюятда жорий қилинган технологик инновациялар ($\ln X_3$) бир фоизга ортиши, вилюятда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини ($\ln Y$) ўртача 0,4896 фоизга ортишига олиб келган.

Юқоридаги маълумотлар ҳамда бир қанча қўшимча таҳлилар асосила Қашқадарё вилюятида инновацияларнинг ривожланишининг вилюятда туризмни ривожланишга таъсирини ва келгуси даврларга прогноз қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бунинг учун Қашқадарё вилюятида астрономик туристик йўналишлар, музей-ёдгорликлар, фестиваллар, оилавий меҳмон уйлари ташкил этишнинг инновацион ривожланишига таъсири ўрганилиб, 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Ушбу прогнозларда 2010-2021 йиллар-

даги маълумотлар асосида 2022-2026 йилларга ҳар бир омил бўйича прогнозлар амалга оширилди. Прогноз учун қуйидаги омилар олинган: Туризм хизматлари экспорти ҳажми (минг доллар), X_1 , ички туристлар ташрифи сони (минг киши), X_2 , жойлаштириш воситалари сони (оилавий меҳмон уйи ва хостелдан ташқари) (дона), X_3 , жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг), X_4 , меҳмонхоналар номер фонднинг бандлик даражаси, X_5 , жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг), X_6 , оилавий меҳмон уйлари сони (дона), X_7 , хостеллар сони (дона), X_8 , туроператор ва турагентлар сони (нафар), X_9 , ташқи туристлар сони (минг киши), X_{10} .

Ушбу омиллар бўйича тренд моделлари натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Қашқадарё вилюятида ҳудудий туризмни инновацион ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган тренд моделлари ва уларнинг параметрлари

№	Кўрсаткич	Тренд модель	R ²	F	t	DW
1.	Туризм хизматлари экспорти ҳажми, (минг доллар)	$X_1=85.91+24.07 \cdot t$	0.42	2.79	2.66	0.97
2.	Ички туристлар ташрифи сони (минг киши)	$X_2=88.86+24.83 \cdot t$	0.92	57.41	7.57	0.99
3.	Жойлаштириш воситалари сони (оилавий меҳмон уйи ва хостелдан ташқари) (дона)	$X_3=11.23+2.73 \cdot t$	0.81	42.61	6.53	1.88
4.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	$X_4=291.85+74.16 \cdot t$	0.97	186.76	13.67	0.75
5.	Меҳмонхоналар номер фонднинг бандлик даражаси	$X_5=12.95+1.51 \cdot t$	0.76	14.03	3.74	1.83
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	$X_6=83.41+186.74 \cdot t$	0.97	168.67	12.98	0.72
7.	Оилавий меҳмон уйлари сони (дона)	$X_7=-14.07+15.64 \cdot t$	0.99	531.29	23.05	1.16
8.	Хостеллар сони (дона)	$X_8=5.18+0.16 \cdot t$	0.61	6.04	2.46	1.51
9.	Туроператор ва турагентлар сони (нафар)	$X_9=8.04+1.07 \cdot t$	0.96	133.08	11.54	1.63
10.	Ташқи туристлар сони (минг киши)	$X_{10}=9.44+2.05 \cdot t$	0.83	23.19	4.81	2.56

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Қашқадарё вилюятида ҳудудий туризмни инновацион ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича тузилган барча тренд моделлари статистик аҳамиятлиликка (R^2), ўрганилаётган жараёнга мос келиши (Фишернинг F-мезони), параметрларининг ишончилиги (Стьюдентнинг t-мезони) ҳамда автокорреляциянинг мавжудлигига текширилди ва ижобий натижалар олинди.

Демак, юқорида келтирилган Қашқадарё вилюятида ҳудудий туризмни инновацион ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича келгуси 2022-2026 йилларга прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширамиз. Омиллар бўйича прогноз натижалари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

Демак вилюятда инновацияларни ривожлантириш, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, айниқса туризм соҳасига инвестиция-

лар киритилиши туризмни потенциал ривожлантиришга олиб келади.

Муаллиф, ҳудудий туризмда инновацион фаолиятни кенг йўлга қўйиш ва уларнинг мавқеини янада кучайтириш мақсадида туризмни самарали ривожлантиришга қаратилган инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва уни амалий фаолиятда кенг қўллаш, инновацияларни яратиш ва амалга оширишга молиявий маблағлар ажратилиши кўпайтирилишини таъминлаш, соҳа кадрларининг инновацион маҳсулотларни яратишга қаратилган билимларини такомиллаштириш ҳамда бу борада хорижда малака оширишларини ташкил қилиш, инновация маҳсулотини яратган мутахассис ва ходимларни доимий рағбатлантириб туриш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди.

Қашқадарё вилоятида ҳудудий туризмни инновацион ривожлантириш кўрсаткичларининг 2022-2026 йилларга прогноз қийматлари

Йиллар	Туризм хизматлари экспорти, минг. долл.	Ички туристлар ташрифи сони (минг дона), X ₁	Жойлаштириш воситалари сони (ойлавий меҳмон уйи ва хостелдан ташқари) (дона), X ₂	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг), X ₃	Меҳмонхоналар номер фондининг бандлик даражаси, X ₄	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг), X ₅	Ойлавий меҳмон уйлари сони (дона), X ₆	Хостеллар сони (дона), X ₇	Туроператор ва турагентлар сони (нафар), X ₈	Ташқи туристлар сони (минг дона), X ₉
2010	76,5	112	12	456	12	512	18	6	9	12
2011	113,0	165	18	472	15	567	12	7	12	12.3
2012	137,8	208	10	502	28	684	36	5	11	14.6
2013	169,4	224	25	584	20	735	47	5	10	15.7
2014	202,3	158	36	625	14	849	59	5	13	20.6
2015	215,2	205	29	697	16	912	71	6	14	22.7
2016	296,5	200	32	783	25	1154	89	6	16	25.4
2017	329,6	264	30	756	28	1678	102	7	18	29.2
2018	518,5	302	34	928	23	1824	127	6	18	30.4
2019	605,7	357	36	1045	30	1955	143	7	19	32.3
2020	718,3	408	41	1177	32	2297	167	7	20	18.2
2021	466,1	400	45	1262	30	2400	180	8	20	40
2022	244,3	1101	66	1776	46	3538	215	13	25	56
2023	550,6	1178	85	2394	54	4854	289	16	30	94
2024	589,9	1256	105	3144	57	6095	311	20	32	132
2025	629,2	1334	111	3494	67	6495	364	24	35	177
2026	668,4	1412	126	4035	71	7695	393	27	42	206

Манба: муаллиф томонидан ҳисоб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ҳудудий туризмда инновацион фаолиятни кенг йўлга қўйиш ва уларнинг мавқеини янада кучайтириш мақсадида туризмни самарали ривожлантиришга қаратилган инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва уни амалий фаолиятда кенг қўллаш, инновацияларни яратиш ва амалга оширишга молиявий маблағлар ажратилиши кўпайтирилишини таъминлаш, соҳа кадрларининг инновацион маҳсулотларни яратишга қаратилган билимларини такомиллаштириш ҳамда бу борада хорижда малака оширишларини ташкил қилиш, инновация маҳсулотини яратган мутахассис ва ходимларни доимий рағбатлантириб туриш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди.

Инновацион ёндашув асосида ҳудудий туризмнинг самарали ривожланишини энг янги йўналиш сифатида бир қатор кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш имконияти мавжуд. Хусусан, ҳудудий инновацион индекс таркибини такомиллаштириш таклиф этилди. Шунга асосан, Қашқадарё вилоятидаги барча ҳудудларнинг туризм салоҳияти таснифлаштирилди ва туризм турларини ривожлантириш имкониятлари баҳоланди. Буни амалга ошириш учун ҳар бир тумanning маданий-мерос объектлари, монументал, археологик ва архитектура ёдгорликлари ҳамда тоғ туризми, эко, этно, агро туризм бўйича харитаси ишлаб чиқилган. Ҳамда, ҳудуддаги туризм салоҳияти шарт-шароитини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичи таққослаш кўрсаткич сифатида зарурийлик коэффицентини баҳолашга имкон берди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО "РЭУ им. Г.В.Плеханова" в г. Ташкенте, 2013. – 248 с. ва бошқалар.
3. Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с. ва бошқалар;
4. Кабушкин. Н.И. Менеджмент туризма: Учеб.пособие. – Мн: БГЭУ.1999, - 644с.
5. Зализняк Е.А., Региональный туризм: Основные признаки и условия развития, Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2011. № 2 (19).

6. Туристтик ҳудуд барқарор рақобатбардошлигининг 3 тамойили БухДУ, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов. "Vuxoroda islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmi barqaror rivojlantirish istiqbollari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalar to'plami. 2020-yil 24-fevral. – Vuxoro: 2020.«Туризм, таълим ва иқтисодиёт тармоқлар интеграцияси» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияси. 25.05.2018.

7. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: Учеб. пос. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.

8. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 368 с.

9. «Туризм, таълим ва иқтисодиёт тармоқлар интеграцияси» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2018 йил 25 май. – Бухоро, 2018. -572 б.

10. Асланова Д., Алимова М. Самарқанд вилоятида ҳудудий туристик кластер шаклланишининг концептуал асослари. // Biznes -эксперт. №9 (105). 2016 й.

11. Umirova D.S. Improving regional tourism on the basis of innovative approach (as an example of Kashkadarya region). Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. – Т.: TSEU, 58 p. (16-18) 2022.

12. Umirova D.S.. Improving regional tourism on the basis of innovative approach (as an example of Kashkadarya region). Abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in Economics. – Т.: TSEU, 58 p.(19-20) 2022.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a73

РАҚАМЛИ ТУРИЗМ МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ташпулатова Лайло Маратовна -
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети и.ф.н., доценти
Суюнова Фотима Баходир қизи -
Тошкент давлат шарқшунослик
университети стажёр ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу тадқиқотнинг мақсади рақамли туризмнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишига таъсирини таҳлил қилишдир. Шунингдек, туризм соҳасида жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган тенденциялар ўрганиб чиқилди ҳамда мақолада Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланиш тенденциялари ва ЯИМдаги улуши таҳлил қилинди. Мақола якунида эса рақамли иқтисодиёт даврида Ўзбекистон туризм саноати дуч келаётган муаммолар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли платформалар, туризм саноати, он-лайн сайёҳат бозори.

ЦИФРОВОЙ ТУРИЗМ КАК КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА СТРАНЫ

Ташпулатова Лайло Маратовна -
Университет мировой экономики и дипломатии к.э.н доцент
Суюнова Фотима Баходир қизи -
Ташкентский государственный университет
востоковедения, стажёр-преподаватель

Аннотация. Целью данного исследования является анализ влияния цифрового туризма на экономический рост Республики Узбекистан. Также были изучены тенденции, происходящие в мировой экономике в секторе туризма. В статье описаны тенденции развития электронной коммерции в Узбекистане и ее доля в ВВП. В заключении статьи были рассмотрены проблемы, с которыми сталкивается туристическая индустрия Узбекистана в эпоху цифровой экономики, приведены практические предложения.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровые платформы, индустрия туризма, рынок онлайн-туризма.

DIGITAL TOURISM AS A KEY FACTOR IN INCREASING THE COUNTRY'S ECONOMIC GROWTH

Tashpulatova Laylo Maratovna -
University of World economy and diplomacy, Associate Professor
Suyunova Fotima Bahodir qizi -
Tashkent state university of oriental studies, trainee teacher

Abstract. The purpose of this study is to analyze the impact of digital tourism on the economic growth of the Republic of Uzbekistan. The trends occurring in the global economy in the tourism sector were also studied. The article also describes the trends in the development of e-commerce in Uzbekistan and its share in GDP. At the end of the article, the problems faced by the tourism industry of Uzbekistan in the era of the digital economy and proposals on them were presented.

Keywords: digital economy, digital platforms, tourism industry, online tourism market.